# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 18 июль, № 140 (5560) Чоршанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2012 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 20 июль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг кўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қутлуғ ойда амалга ошириб келинадиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 17 июль



## Инвестиция – иқтисодий юксалиш мезони

*Бевосита Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” ўтган қисқа даврда ўзининг ижобий самараларини берди. Натижада барча соҳаларда эришилган барқарор ўсиш суръатлари дунё эътиборига тушиб улгурди. Биргина иқтисодиёт тармоқларида юз берган ўзгаришларни олайлик. Масалан, ишлаб чиқаришга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлиб бораётгани қувонарлидир.*

### Интилиш

Жумладан, Жиззах вилоятида 2011 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 61,5 фоизидан ортиғи янги қувватларни барпо этишга йўналтирилиши натижасида 523,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 16,4 фоиз ўсишга эришилди. Бунда лойиҳа қиймати 1 миллиард 50 миллион сўмга тенг бўлган “Zarista Tex” масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жиззах туманининг Тоқчилик қишлоғида жойлашган мазкур корхонада болалар ва катталар учун 10 турдаги либослар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонани ишга туширишда ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 520 миллион сўмлик сармоясидан самарали фойдаландик, — дейди жамият раҳбари Шуҳрат Тўраев. — Ҳозир бу ерда 98 киши доимий иш билан таъминланган бўлиб, йилига 2 миллион дона трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд. Ишлаб чиқариш суръатини ошириш мақсадида хориждан 100 та замонавий тикув дастгоҳини олиб келиб ўрнатмоқчимиз. Шунда корхона қуввати ҳам, ишчилар сони ҳам икки баробарга ортади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2012 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг I ярим йиллигида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2012 йил 19 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тезлаштириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳодисалар кучаётганлиги ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганига қарамай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастурлари тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми — 8,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмади.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш ҳамда маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми — 25,7 фоизга, чакана товар айланмаси — 12,5 фоизга ва хизматлар — 14 фоизга ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 2011 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизгача ўсди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлиғини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш давомида республикада ва унинг ҳудудларида ишбилармонлик ва рақобат муҳитини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ривожланишини рағбатлантириш ишлари ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Охирги икки йилда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, энг кўп қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёз ва преференцияларнинг кенг рўйхатини тақдим этиш бўйича кўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мамлакат бизнес муҳитида ижобий ўзгаришларни таъминлаганлиги қайд этилди. Бу мамлакатда ва унинг ҳудудларида ишбилармонлик муҳити индекси яхшиланишида, амалда иқтисодиётнинг барча кўрсаткич ва соҳаларида кичик бизнеснинг аҳамияти ва улуши изчил ўсиб боришида ўз аксини топмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан**

## Соғлом она – соғлом бола

**Жойларда ташкил этилаётган аёллар спорт фестиваллари ана шу эзгу мақсадга қаратилган.**

Бекобод шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига бағишлаб аёллар спорт фестивалининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

“Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” шиори остида ташкил этилган мазкур спорт байрами хотин-қизларни, айниқса, уй бекаларини спортга фаолроқ жалб этиш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада барқарорлаштириш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жойларда “Соғлом она — соғлом бола” тамойилини кенг тарғиб қилиш мақсадини ўзида мужассам этган.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда вилоятдаги 1818 та спорт-соғломлаштириш иншоотида 250 минг нафардан зиёд хотин-қиз оммавий спорт билан шуғулланмоқда. Таълим масканлари, спорт мажмуалари, соғлиқни сақлаш ҳамда дам олиш оромгоҳларида ташкил этилган 5 мингга яқин тўгарак ва гуруҳлар фаолияти ҳам аёллар спорти билан боғланган. Хотин-қизлар ўртасида турли мусобақаларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани, аёллар доимо рағбатлантириб борилаётгани улар орасидан иқтидорларни кашф этиш имконини бермоқда.

Аёллар спорт фестивали ҳам худди шу йўналишдаги тадбирлар сирасидан бўлиб, унда вилоятнинг 18 та туман ва шаҳарларида саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 400 нафарга яқин хотин-қиз енгил атлетика, сузиш, дартс, волейбол, шахмат, стол тенниси бўйича ўзаро беллашди. Якунда ғолиблик мезбон шаҳар вакилларига — бекободликларга насиб этди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Аёллар спорт фестиваллари, шунингдек, Жиззах, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ютуқларимиз фаровонликка хизмат қилади

*Президентимизнинг республикамиз ғаллакорларига йўллаган табригини жамоамиз билан ўқиб, бениҳоя мамнун бўлдик. Унда эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ илғор фермер хўжаликлари қаторида бизнинг “Янгикент жилоси” фермер хўжалигимиз номи ҳам алоҳида қайд этилган. Бу қалбимизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди.*

### Дил сўзи

Табиийки, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланаётгани, деҳқонларнинг эмин-эркин ишлаши учун қулайликлар яратилаётгани ўз самарасини бераяпти. Буни фермер хўжалигимиз фаолияти мисолида ҳам айтишимиз мумкин. Жорий мавсумда 42,2 гектар майдонда ғалла етиштирдик. Уруғлик, минерал ўғит, сув таъминотида қийинчиликка дуч келмадик. Асосий эътиборни экинни агротехника қоидалари асосида парваришлашга қаратдик. Суғориш фақат “шарбат” усулида бажарилди. Бу тупроқ таркибидаги намликнинг узоқ сақланишига, ниҳолларнинг чуқур илдиз отишига имкон берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз ғалла уруғини одатдагидан бирмунча эрта — сентябрь ойининг охири, октябрнинг дастлабки кунларида эккандик. Бунинг натижаси жуда яхши бўлди: ҳар гектардан 80 центнердан ошириб, ҳосил олинди.

(Давоми 2-бетда).

### Бандлик

*Президентимиз шу йилнинг 15 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳим бўлган масала — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ҳамда айни пайтда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратдилар.*

## Ёшларни иш билан таъминлаш – устувор вазифа

Бу йил Сурхондарё вилоятида 41 минг 561 нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини, 1972 нафар ўқувчи академик лицейларни битирди. Уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ва шу орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, долзарб масаладир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Сертификатлаштириш ва сифат назорати

*Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида нафақат ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан бойимоқда, балки уларга хориж давлатларида ҳам талаб тобора ортаётир.*

### Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Албатта, маҳсулотнинг харидоргир бўлиши унинг сифатига боғлиқ. Яъни маҳсулот халқаро стандартларга мос келсагина, ташқи бозорда ўз ўрнини топа олади. Юртбошимизнинг қарорида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор берилгани “Ўзстандарт” агентлиги жамоаси зиммасига ҳам юксак масъулият юклади. Шундан келиб чиқиб, биз корхоналарда маҳсулотларнинг сертификатлаштирилиши, сифат назорати билан таъминланганлиги ҳамда сифат менежменти жорий этилганлиги каби йўналишлар бўйича таҳлиллар олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, ўтган вақт давомида олти мингдан ортиқ корхоналар фаолияти ўрганилганда, уларда ишлаб чиқарилаётган 4 минг турдан зиёд маҳсулотлар сертификатга эгалиги маълум бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларни шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилиб, унда, хусусан, бир қатор давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, 80 та рухсат бериш тартиб-таомилларини ва 15 та фаолият турларини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар олдига Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонидаги норма ва талабларни сўзсиз амалга оширилишини, икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар олишга тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган йиғимлар миқдорини камида икки мартага камайтиришни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда 2012 йилги Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича тармоқ ва комплекс дастурлар бажарилиши, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилган хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши муфассал кўриб чиқилди. 2012 йилнинг I ярим йиллигида фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши туфайли ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 7,6 фоизга кўпайтириш таъминланганлиги ва 531 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоқли ўрин тутади, уларнинг улуши 80 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил 26 мартдаги қарорини бажариш бўйича ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни кучайтириш, экспорт тузилмасини янада диверсификациялаш ва ташқи савдо бозорларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида экспорт 18,8 фоизга ўсиш таъминлангани ва ташқи савдо айланмасида салмоқли ижобий сальдога эришилгани қайд этилди.

"Ўзқурилишматериаллари" ва "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниялари, "Ўзфармсаноат" концерни, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига идоравий мансуб ва ҳудудий корхоналар раҳбарларининг тегишли тармоқ ва ҳудудлардаги экспортга етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини тўлиқ сафарбар этиш бўйича шахсий маъсулиятини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган саноат корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, шунингдек, сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий этиш ва маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги сертификациясини амалга оширишга қаратилган комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлис кун тартиби доирасида янги қишлоқ массивларида фойдаланишга тайёр шартларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш, уларни зарур муҳандислик, транспорт, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси билан таъминлаш ишларининг ҳолати батафсил муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар учун "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Улар олдига 2012 йилда фойдаланишга топшириш назарда тутилган янги қишлоқ массивларида 8510 та якка тартибдаги уй, уларга кириш йўллари, сув таъминоти ва бошқа муҳандислик коммуникациялари тизимларини қуришни йил охиригача тугаллашни таъминлаш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари бажарилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қабул қилинган мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йилнинг I ярим йиллигида 510,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари, улардан 345 мингтадан ортиғи ёки 68 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилгани қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига биринчи навбатда ташкил этиладиган иш ўринлари сонини кўпайтириш ва уларнинг сақланишини таъминлаш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шу йил 15 июнда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича касб-ҳунар коллежлари, уларнинг ўқувчилари ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар сўзсиз бажарилиши учун назоратни кучайтириш топширилди. Шунингдек, 9-синф битирувчиларини, айниқса, қизларни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш бўйича тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш чора-тадбирларига эътибор қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқларини, ишлаб чиқариш инфратузилмасини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини бўлажак куз-қиш даврига тайёрлаш ишларини ташкил этиш ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирларининг бутун комплекси ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари, шунингдек, бошқа идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари алоҳида таъкидланди. Улар олдига уй-жойлар, идоравий мансуб корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, ижтимоий аҳамиятдаги объектларга иссиқлик ва энергияни тежовчи технологияларни кенгроқ жорий этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, мева-сабзавот омборхоналари ва совитиш камералари тармоғини кенгайтириш ва модернизация қилишни жадаллаштириш, куз-қиш даврида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан кафолатли таъминлаш учун уларни зарур ҳажмда тайёрлаш ва ғамлашни ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республикадаги вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2012 йилги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА).**

## Мамлакатимизда:



### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Навоий

*2010 — 2012 йилларда вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш, мавжуд корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастури доирасида Кармана туманида пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Richard Best Silk" хусусий корхонаси фаолият кўрсата бошлади.*

## Ҳудудий дастур — амалда

— Бунинг учун 250 минг АҚШ долларига хориждан илғор технологиялар олиб келиб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Жумагул Ражабова. — Ушбу дастгоҳлар компьютер ёрдамида бошқарилганлиги туфайли энг юқори сифатли тола олиш имконини бераяпти. Шунингдек, пиллани қайта ишлашда зарур бўладиган иссиқ сув Навоий иссиқлик электростанциясидан олинмоқда.

Умуман, вилоятда жорий йилда умумий қиймати 19,9 миллиард сўмлик ҳамда 10,5 миллион АҚШ долларилик 124 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Наманган

*"Учқўрғонёғ" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизациялаш юзасидан амалга оширилаётган лойиҳалар корхона қувватини кучайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.*

## Технологик янгиланиш натижаси

Мазкур йўналишдаги тадбирларнинг биринчи босқичида бир кеча-кундузда 70 тонна техник саломас, йилига 4800 тонна хўжалик совуни ва 5 минг тонна глицерин ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия фойдаланишга топширилганди. Яқинда бу ерда яна бир лойиҳа ниҳоясига етказилиб, чигитни туксизлантириш ҳисобига йилига 12 минг тонна линтер ажратишга мўлжалланган хорижий дастгоҳлар ўрнатилди. Пировардида кейинги тўрт йил давомида корхонада яратилган иш ўринлари сони 140 тага етди. Айни чоғда янги қувватлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, жорий йилнинг ўтган даврида 225 тонна глицерин ва 3028 тонна техник саломас тайёрлашга эришилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган бу каби кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида вилоятда жорий йилнинг беш ойи давомида 31508 та иш ўрни яратилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Самарқанд

*Самарқанд шаҳридаги "Al–Muin Barako" масъулияти чекланган жамияти жамоаси 269,9 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига хориждан сутни қайта ишлайдиган замонавий технологик линия сотиб олди.*

## Қувват ортди, маҳсулот кўпайди

Пировардида бу ерда ишлаб чиқариш қуввати ошиб, йилига 900 тонна сут маҳсулотлари тайёрлаш ва қадоқлаш имконияти юзага келди. Шунингдек, корхонада қўшимча 5 та иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, маҳсулотлар тури 12 тага етказилди.

Эътиборлиси, вилоятда озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини кенгайтириш ҳамда янгиларини ташкил этиш эвазига жорий йилнинг биринчи ярмида 63 та иш ўрни очилди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Вилоятда жорий йил бошидан буён саноатни ривожлантириш бўйича 123 та лойиҳа амалга оширилиб, 900 дан зиёд иш ўринлари яратилди.*

## Истиқболли лойиҳа

Хонқа туманидаги "Хонқа стар" хусусий корхонасида ҳам ана шундай лойиҳалардан бири рўёбга чиқарилди. Бу ерга ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 450 минг донагача сифатли тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди. Эндиликда корхонада лойиҳанинг иккинчи босқичи — газламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида изланишлар олиб борилаяпти.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сертификатлаштириш ва сифат назорати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда республика иқтисодиётининг турли тармоқларида стандартлаштириш бўйича 21 техник қўмита давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва халқаро стандартлаштириш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. "Ўзфармсаноат" ва "Ўзқурилишматериаллари" компаниялари таркибидаги 24 та корхонада қўшимча равишда сифат менежменти тизимини босқичма-босқич татбиқ қилиш дастури тайёрлангани, умуман, жорий йилда яна 120 та ишлаб чиқариш субъектида шундай тизим қўлланилиши режалаштирилаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Зеро, маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқариш иқтисодий ривожланишнинг гаровидир. Дунё мамлакатларининг ўзаро маҳсулот алмашинуви юқори даражага кўтарилган ва жаҳон бозорида рақобат кучайган бир шароитда бу жуда муҳим. Шундай экан, ишлаб чиқаришми, хизмат кўрсатишми, қайси соҳа бўлмасин, уларда бажарилаётган ишлар давлат ва халқаро талабларга мос келиши шарт.

Маълумки, ўтган йили "Ўзстандарт" агентлиги қошида Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси иш бошлаган эди. Номидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорларни дунё бозорига олиб чиқишдан иборат. Шу мақсадда бюро томонидан муайян ишлар олиб борилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида мутахассисларимиз 1739 та корхонага хизмат кўрсатгани, шу жумладан, 730 та тадбиркорлик субъектига маҳсулотларини экспорт қилишда кўмаклашгани ҳамда мингдан зиёд ишбилармонларга стандартлаштириш, сертификатлаштириш, метрология, ёрлиқлаш, қадоқлаш усуллари бўйича маслаҳатлар бергани бунинг тасдиғидир.

Шу ўринда бир мисол. Биламизки, ковул табиатнинг ноёб неъмати ҳисобланиб, ундан тиббиётда дори воситаси сифатида фойдаланилади. "Jannat makon Business" очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари унга бўлган талаб ва эҳтиёжни инобатга олиб, ковулдан саноат усулида, яъни консерваланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирган эди. Жамият мутасаддиларининг бюрога қилган мурожаатидан сўнг бу ерда давлат стандарти ишлаб чиқилгач, мазкур маҳсулотни хорижга сотиш йўлга қўйилди.

Маҳсулотни экспортга чиқаришнинг энг қулай йўли — халқаро "ISO" стандартига эга бўлиш. Ҳозир корхоналарга экология йўналишида "ISO — 14001", тиббий буюмлар ишлаб чиқаришни яхшилаш учун "ISO — 13485", озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти бўйича "ISO — 22000", автомобилсозлик саноатида "ISO/TC 16949" халқаро стандартларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар эса тадбиркорларнинг дунё миқёсида алоқаларини кенгайтириш баробарида, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

**Маъруфжон ЖАЛИЛОВ,**
**«Ўзстандарт» агентлиги Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюросининг метрология бўйича маслаҳатчиси.**



# Инвестиция — иқтисодий юксалиш мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маҳсулотлар дастлаб маҳаллий бозорда сотилган бўлса, эндиликда унга хорижликлар ҳам харидор бўлишмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, хорижлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик натижасида ҳудудда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортиб бораяпти. Жорий йилнинг ўзида лойиҳа қиймати 116 миллион АҚШ долларилик 6 та корхонани ишга тушириш чоралари кўрилмоқда. Эътиборлиси, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона қадоқловчиси Ирода Тожибоева; тадбиркор Маъмурбек Эргашев тикувчи Азиза Зокирова ҳамда сифат назоратчиси Фарида Иномова билан тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

# Ютуқларимиз фаровонликка хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Агротехника тадбирларини бажаришда хўжалигимизнинг уруғлик дон етиштиришга ихтисослаштирилгани ҳам инобатга олинди, албатта. Экинзор бегона ўтдан тозаланди. Белгиланган муддатда минерал ўғит билан озиқлантирилди. Пировардида қабул пунктларига давлат шартнома режасида белгиланган 143 тонна ўрнига 158 тонна сара уруғлик дон топширдик. Ўз ихтиёримизда қолган ғаллани эса хўжалигимизда ишловчи 28 нафар ишчига тарқатдик. Қишлоқда яшовчи эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳам мурувват ёрдами тариқасида дон улашдик.

Шу ўринда машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олишга катта эътибор қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Масалан, вилоятимизда 12 та махсус отряд ташкил қилиниб, унинг таркибидаги 157 та юқори унумли комбайн кучидан оқилона фойдаланилди. Комбайнларга GPS тизими жорий этилгани улар ҳаракатини назорат қилиш, техника кучидан самарали фойдаланиш имконини берди.

Биз, ғаллакорлар эришган ютуқ, Президентимизнинг табригида таъкидланганидек, юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади. Бу муваффақият мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш тараддудида бўлган халқимизнинг кучига куч қўшади, уни янги марралар сари чорлайди, албатта.

**Файзулла АШУРОВ,**
**Вобкент туманидаги «Янгикент жилоси» фермер хўжалиги раҳбари.**

# Ёшларни иш билан таъминлаш – устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, вилоятда фаолият юритаётган машина-трактор паркларига айни пайтда 23, тижорат банкларига 197, Деновдаги "Гулнора" маиший-савдо-тайёрлов хусусий корхонаси, Шўрчидаги савдо-тайёрлов ширкати ҳамда "Темурмалик" савдо-ишлаб чиқариш корхонасига салкам 100, Олтинсой туманидаги "Олтинсой" савдо-ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятига эса 30 нафар битирувчи ишга қабул қилинди. Умуман, жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 22 минг 956 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шу мақсадда ўтган вақт мобайнида туманлар бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан 29 та ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Унда салкам 700 нафарга яқин битирувчи корхона ва ташкилотларда ишлаш учун йўлланма олди.

Айни чоғда вилоятда ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Қайд этиш керак, битирувчиларнинг корхоналарда фаолият юритишлари учун тузган шартномалари, ўз навбатида, уларнинг аниқ иш жойига эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир 41 минг 66 нафар талаба билан уч томонлама шартномалар тузилган.

— Шуниси эътиборлики, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Пардабой Оромиддинов, — ўқишни давом эттириш учун олий таълим муассасаларига тест синовларини топширган ёшлар имтиҳондан ўтолмаган тақдирда ҳам, корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида ишга қабул қилинади. Яна бир янгилик: касб-ҳунар коллежларининг 3-босқич талабалари учун йирик корхоналарнинг маъмурий биноларидан 87 та ўқув-амалиёт хонаси ажратилиб, зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Айни пайтда воҳада битирувчиларни тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилаётир. Айниқса, ёшларни бизнес соҳасига йўналтириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу борада жорий йилда банклар томонидан 1 миллиард 981 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Биргина Узун туманида вилоят прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган "Ёш тадбиркор — элга мададкор" тадбирида 187 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун сертификатлар берилди.

Шунингдек, вилоятнинг Жарқўрғон, Олтинсой, Шеробод, Шўрчи, Бойсун туманларидаги касб-ҳунар коллежларида ҳам "корхона — коллеж — битирувчи" ўртасида тузилган шартномалар асосида ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан мунтазам иш олиб борилди. Бу саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, мамлакатимиз келажаги саналмиш йигит-қизларнинг ўзларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, куч ва ғайратини оширишда долзарб аҳамият касб этади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

AGROBANK

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, молия муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ўзгаришлар кўзга ташланди. Шу боис бугунги кунга келиб мазкур соҳада улкан ижобий янгиланишлар кузатилмоқда. Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган кўрсаткични ташкил этаётгани ана шундай ислоҳотлар самарасидир.*

# Юрт равнақи йўлидаги эзгу мақсадлар

Қолаверса, “Стандард энд Пурс”, “Мудис” ҳамда “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг мунтазам равишда республикамиз банклари фаолиятини юксак баҳолаб келаётгани ҳам бежиз эмас. Буларнинг бари банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирларнинг амалий натижасидир.

Юртимиз молия бозори ривожи хусусида сўз юритганда, “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, мазкур банк республикамиздаги етакчи молия муассасаларидан бири сифатида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фермерликни ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни пайтда унинг 183 та филиали, 304 та минибанки, 138 та махсус кассаси ва 264 та валюта айирбошлаш шохобчаси 199716 та юридик ҳамда қарийб 2 миллионга яқин жисмоний шахсларга кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Жамоа Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли қарори ижросига алоҳида эътибор қаратиб, банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилиш борасидаги ишларни янада жадаллаштирмоқда. Натижада бугунги кунга келиб, банкнинг умумий капитали 287,6 миллиард сўмни, устав капитали эса 167,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Бошқача айтганда, бу борадаги ўсиш йил бошидагига нисбатан мос равишда 50,9 миллиард ва 41,2 миллиард сўмга кўпайди. Банкка жалб этилган аҳоли омонатлари бўйича ҳам йил бошидагига нисбатан 119 фоиз ўсишга эришилди. Бунда жорий йилнинг ўзида жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада 8 та янги омонат турлари тақдим этилгани, айниқса, муҳим омил бўлди.

## Мустаҳкам ҳамкорлик асоси

Таъкидлаш жоизки, банк эришаётган муваффақиятларда унинг кўплаб йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари, тармоқдаги комплекс ташкилотлар, шунингдек, фермер хўжаликлари билан амалий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган даврда аграр комплексни молиявий қўллаб-қувватлаш, саноатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжаликларини молиялаштириш мақсадида 1 триллион 229 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигидаги самарадорлик, кўп жиҳатдан, деҳқону миришкорлар хизматидаги замонавий техника ва ускуналарга ҳам боғлиқ. Яъни деҳқоннинг иш қуроли қанчалик соз бўлса, унинг самараси ҳам юқори бўлади. Шу маънода, “Агробанк” жамоаси ўз фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерларни зарур техникалар билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Жорий йилда фақатгина ушбу мақсадлар учун 31,4 миллиард сўм сармоя ажратилиб, уларга 82 та дон ўриш комбайни, 340 та ҳайдов ва чопиқ трактори ҳамда бошқа ускуналар етказиб берилгани бунинг тасдиғидир.

Пахтани қайта ишлаш ва дон корхоналарини модернизациялаш ҳам республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис “Агробанк” “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ҳамда “Ўздонмаҳсулот” компанияси тизимидаги корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлашга кўмаклашмоқда. Жумладан, “Шўрчидонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига 7,5 миллиард сўм, “Дўстликдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига 4,8 миллиард сўм, “Когондонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига 400 миллион сўм, “Фарғонадонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига 2,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида ушбу корхоналарда модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Йилнинг ўтган олти ойида пахта тозалаш корхоналарига 5,4 миллиард сўм миқдорида кредит берилиши эса уларга маҳсулот сифатини яхшилаш ва экспорт салоҳиятини ошириш имконини берди. Шунингдек, мазкур тизим корхоналари қошида чорвачилик ва паррандачилик мажмуалари ҳамда совутқичли сиғимларни барпо этишга 17,4 миллиард сўм миқдорида кредит берилиши 183 та иш ўрни яратилишига асос бўлди.

Халқимиз орасида “Ери сознинг машаққати оз”, деган ибратли гап ҳам борки, бу, бир жиҳатдан, ерни эъзозлаш, ундан унумли фойдаланишга ундовчи нақл бўлса, иккинчидан, деҳқонларни экин майдонини мавсумга пухта тайёрлаш ва шу орқали мўл ҳосил олишга чорлайди. Буни бугунги деҳқону фермерларимиз жуда яхши билишади. “Агробанк” жамоаси ушбу йўналишда ҳам уларга яқин кўмакдош бўлиб келмоқда. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилаяпти. Гап шундаки, банк томонидан ўтган давр ичида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 12 та “Давсувмахсуспудрат” унитар корхонасига 1,1 миллиард сўм кредит ажратилди.

## Оилалар маъмурлиги – доимий эътиборда

2012 йил “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниб, шу асосда бажарилиши лозим бўлган ишларни белгилаб берувчи махсус Давлат дастури қабул қилинди. “Агробанк” томонидан мазкур дастур доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда Наманган ва Урганч шаҳарларида 5 та кўп қаватли тураржой қурилиши учун 13,1 миллиард сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди. Энг муҳими, ушбу маблағлар самараси ҳозирданоқ намоён бўлмоқда. Гап шундаки, айни пайтда Наманган шаҳридаги 4 та, Урганч шаҳридаги битта бино қурилиши ниҳоясига етай, деб қолди. Тез орада улар аҳоли ихтиёрига топширилади.

Бундан ташқари, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 21,3 миллиард сўм йўналтирилган бўлса, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни кенгайтиришга 3,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу жараёнда, айниқса, ёшларга алоҳида эътибор берилаётгани диққатга сазовор. Масалан, иқтисодиёт йўналишидаги 1532 нафар, қишлоқ хўжалиги ихтисослиги бўйича билим олган 6142 нафар ўқувчининг иш берувчилар билан шартнома тузишларига кўмаклашилди. 2,6 миллиард сўмлик маблағлар эса уларга имтиёзли тарзда тақдим этилдики, бу ҳам ёшларимизнинг ўз бизнесини йўлга қўйиб олишларида муҳим омил бўлаяпти.

Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун юртимизда тадбиркорлик соҳасида яратилаётган имкониятлар ва банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар турлари хусусида мунтазам семинарлар ташкил этилаётгани ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилаётир. Ушбу тадбирлар асносида ўқувчиларнинг намунавий бизнес-режалари танлови ҳам ўтказилиб, унинг якуни бўйича 57 та энг яхши лойиҳа эгасига имтиёзли шартларда 78,1 миллион сўмлик кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бу банкнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишларидан бир шингили, холос. Келгусида, аниқроғи, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб талаба ёшлар ва банк ўртасидаги ҳамкорликни изчил давом эттириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

## Изчил ҳаракатлар самараси

Деҳқонларимиз меҳнати, қолаверса, республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасини бугунги тўкинлик ва мўлкўлчиликдан ҳам англаб олиш мушкул эмас. Ушбу йўналишдаги ишлар ҳам “Агробанк” жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Бунга мисол тариқасида жорий йилнинг олти ойида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадидаги 8,2 мингдан ортиқ лойиҳалар доирасида 90,9 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилганини айтиб ўтиш кифоя. Ушбу маблағларнинг 17,6 миллиард сўми чорвачилик, 6 миллиард сўми паррандачилик, 1,9 миллиард сўми балиқчилик ҳамда 732,6 миллион сўми асаларичиликни ривожлантириш учун йўналтирилди.

Шунингдек, ҳудудларда интенсив боғлар ва узумзорларни ташкил этишга 11,1 миллиард сўм, иссиқхоналарни ривожлантиришга 6,7 миллиард сўм, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун 7,3 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Мева-сабзавотларни сақлашнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга асосан, ёпиқ совутқичли 71 сиғим қуриш учун 14,1 миллиард сўм миқдорида сармоя ажратилиши 23,7 минг тонна маҳсулотни сифатли сақлаш имконини яратди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда. Чунки мазкур ҳужжатда қишлоқ жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда даромадларни ошириш сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Бундай эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳам оиласига, ҳам маҳалласига наф келтираётган юртдошларимиз сафи эса тобора кенгайиб бораётир. Бунда томорқа муҳим даромад манбаига айланаётгани, айниқса, эътиборга молик. Шу боис банкда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, деҳқончилик учун экин уруғлари, мевали дарахт кўчатлари ҳамда зарур кимёвий воситалар етказиб бериш ишлари тизимли ташкил этилмоқда. Хусусан, республикамизнинг 162 та туманида 654 нафар банк ходимларидан иборат катта гуруҳ тузилиб, 508 та автомашина ёрдамида аҳолига экин уруғкўчатлари, ўғит ва кимёвий воситалар етказиб берилмоқда. Бугунги кунгача улар орқали томорқа эгаларига 11,9 миллиард сўмлик 3 миллион 668 минг дона мевали дарахт кўчати, 22,9 миллиард сўмлик 19,8 тонна сабзавот ва полиз экинлари уруғи, 680 миллион сўмлик 78 мингта иш анжомлари етказиб берилди.

## Кичик бизнесга сармоялар

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида кичик бизнес субъектларига 212,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, белгиланган режа 110 фоизга бажарилди. Ажратилган маблағларнинг 122,9 миллиард сўми узоқ муддатли, 55,6 миллиард сўми эса микрокредитлардир. Ушбу кредитлар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 20 мингдан ошиб кетди.

Умуман олганда, “Агробанк” томонидан ажратилаётган кредитлар таҳлил қилинса, улар иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтирилаётгани аён бўлади. Жумладан, биргина кичик бизнес вакилларига берилаётган сармояларни олайлик. Яъни ажратилган маблағларнинг 21,3 миллиард сўми аёллар тадбиркорлигига, 65,3 миллиард сўми тадбиркорларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига, 42,6 миллиард сўми ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланишига, 13 миллиард сўми эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ишбилармонларига тақдим этилган.

Мухтасар айтганда, “Агробанк” бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳар бир жабҳасини молиялаштириш борасида катта тажриба тўплаган молия муассасаси сифатида республикамиз молия бозорида дадил фаолият юритмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга, аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун қулай шарт-шароит яратаяпти.

**Д. МУРОДОВ.**

---

# «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 2011 йил 24 июндаги 1-11317-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Собир Термизий кўчаси, 17-«Б» уйда жойлашган, умумий ер майдони 285,06 кв.м. бўлган жами 6 та хонадан иборат, 1 қаватли, А литердаги маъмурий бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 116 241 600 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 8 ноябрдаги 19-1106/5188-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Янгишаҳар маҳалласида жойлашган, «Маиший хизмат» хусусий фирмасига тегишли, фойдали майдони 1552,33 кв.м. бўлган, жами 38 та хонадан иборат, 2 қаватли, 1980 йилда қурилган, А литердаги маъмурий ва маиший хизмат биноси.

***Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.***

**2.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 майдаги 19-1203/3881-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Истиқлол маҳалласида жойлашган, «Нуриддин Шарапов» хусусий корхонасига тегишли, фойдали майдони 434,46 кв.м., жами 12 та хонадан иборат бўлган, 2 қаватли, 2005 йилда қурилган, А литердаги «Истиқлол» маҳалла гузари биноси.

***Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.***

**3.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 февралдаги 19-1208/843-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласи, Марказий бозор ҳудудида жойлашган, «Ҳикмат ёғдуси» хусусий корхонасига тегишли, фойдали майдони 261,45 кв.м. бўлган, жами 8 та хонадан иборат, 1 қаватли, 1994 йилда қурилган, А литердаги савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 37 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 22 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 20 август куни соат 18.00.

**III.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 22 октябрдаги 19-1007/11843-сонли ва 2011 йил 5 апрелдаги 19-1106/154-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Охунбобоев СИУ, Янгиобод маҳалласида жойлашган, Денов тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Деҳқон бозори қурилиши» дирекциясига тегишли, фойдали майдони 649,82 кв.м., қурилиш ости майдони 731,0 кв.м. бўлган, 2009 йилда бошланиб, қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 151 138 012 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 8 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 6 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,
Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй,
«Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94,
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1168A/1441

---

# «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2011 йил 31 октябрдаги 13-1101-12441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Улуғбек маҳалласи, Пахта тозалаш заводи ҳудудида жойлашган, «Барна Плюс» МЧЖга тегишли ишлаб чиқариш бинолари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 304 163 115 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 3 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан Зафаробод тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 1 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, АТИБ «Ипотека-банк»и Жиззах вилоят филиали, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй. Мурожаат учун телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1170R/1441

---

# «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллийбанк»ининг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Аукционга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш | Закалат миқдори | Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KESHMARBLE» МЧЖдаги улуш | Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Нажим Нугаев кўчаси, 11-уй | 100% | 10% | 2 016 633 000 | 1 093 915,38 |
| 2. | «GAZALKENT STONE» МЧЖдаги улуш | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уй | 100% | 10% | 5 380 000 000 | 2 918 361,81 |

Аукцион савдоси 2012 йил 16 август куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 август куни соат 18.00.

Юқоридаги улушлар 2012 йил 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 23 ва 30 август кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 23 августдаги такрорий савдо учун — 2012 йил 21 август куни соат 18.00, 2012 йил 30 августдаги савдо учун — 2012 йил 28 август куни соат 18.00.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан, 1 (бир) йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ушбу эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

1153A/1442

---

# Қашқадарё вилояти «Давлат мулкини ижарага бериш маркази» давлат унитар корхонаси

## барча тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2011 йил 30 ноябрда тегишли ўзгартишлар киритилган)га асосан, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиш, давлатга тегишли бўш турган бино-иншоотлардан (хоналардан) самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида жойлардаги давлат ташкилот ва муассасаларида доимий хатловлар ўтказиб борилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят Ижара маркази томонидан жойларда бўш турган давлат нотураржой фонди объектлари ҳақидаги маълумотлар базаси яратилиб, улардан самарали фойдаланиш ташкил этилмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг январь — июнь ойларида ҳудудлардаги 1094 та давлат объекти хатловдан ўтказилиб, шундан 362 таси (71421 кв.м. майдонга эга бўлган) бўш турган давлат нотураржой объекти эканлиги аниқланди ва 239 та иншоот вилоят Ижара маркази орқали тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Энг муҳими, ушбу биноларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига 617 та янги иш ўрни яратилди ва тадбиркорларга ишбилармонлик билан шуғулланишлари учун қулай имкониятлар яратилди.

Жумладан, вилоят Ижара маркази томонидан Қарши комплекс экспедиция давлат корхонаси балансидаги 230 кв.м. майдонга эга бўлган фойдаланилмаётган бинонинг Қарши шаҳар «Гранд плитка» хусусий корхонасига ижарага олиб берилиши ҳисобига қурилиш материаллари тайёрлаш йўлга қўйилиб, 15 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, Шаҳрисабз туманидаги Хўжахуросон қишлоғида жойлашган, тиббиёт бирлашмасига қарашли, майдони 431 кв.м. бўлган фойдаланилмай турган эски шифохона биноси тумандаги «Баҳодир Болтаевич Исмоилов» фирмасига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида уч томонлама ижара шартномаси асосида берилиши ҳисобига масканда 8 нафар тиббиёт ходими иш билан таъминланди.

Сиз ўз тадбиркорлик фаолиятингизни йўлга қўйишни, бунинг учун туман ёки шаҳар марказида ўз офисингиз бўлишини хоҳлайсизми?! Унда шошилинг, вилоятдаги 49929 кв.м. майдонга эга бўлган 125 та давлат ихтиёридаги бўш бино-иншоот (хоналар) сизга мунтазир.

Ижара маркази мазкур бўш бино-иншоотларни тадбиркор ва ишбилармонларга бир йилдан беш йилгача бўлган муддатга ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш, жисмоний тарбия ва ҳоказо фаолият турларини йўлга қўйишлари учун вилоят ҳокимининг 2011 йил 21 декабрдаги Х-417/12-сонли қарорига асосан, энг паст нархларда тез ва сифатли ижара шартномасини расмийлаштириб беришни кафолатлайди. Ижара маркази қошида ташкил этилган «Ижара» бурчагида Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари, ижара хизмати тўғрисидаги эълон ва ахборотлар билан танишиб боришингиз мумкин.

**Ижара марказининг (8-375) 225-04-51 рақамли «ишонч телефони» сизнинг хизматингизда.**

1149R/827

## Осиё чемпионати

*14 — 17 июль кунлари пойтахтимиздаги муҳташам "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида каратэ бўйича катталар ўртасида XI ҳамда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида XII Осиё чемпионати бўлиб ўтди.*



# Ўзбекистон каратэчиларининг муваффақияти



Осиё каратэ федерацияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда мамлакат каратэ миллий федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг 28 давлатидан келган 1200 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Беллашувларда 43 нафар вакилимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Мустақиллик йилларида маънан ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор туфайли бугун юртимизда спорт жадал ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда соҳанинг инфратузилмаси такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда нуфузли мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Каратэ бўйича мазкур Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқининг Ўзбекистонга берилгани ҳам ана шу ислоҳотлар самарасидир.

Буни мусобақанинг очилиш маросимида иштирок этган Осиё каратэ федерацияси президенти Чанг Кванг ва бошқа меҳмонлар ҳам эътироф этишди.

Қитъа биринчилигининг дастлабки икки кунида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ката ҳамда кумите баҳслари ўтказилди. Мазкур беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Шаҳзода Ортиқова кумите баҳсларида Жабер Ҳуда (Иордания) ва Моеми Кусакабе(Япония)ни мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Аҳрорбек Нозимбоев, Беҳзод Тўйев, Жамшид Сайфуддинов, Садриддин Сайматов, Дилноза Юсупова, Фарангиз Хандалова, Зуҳра Қурбонова ва Дилдора Турсунова кумуш, Ғофуржон Зоҳидов бронза медалини қўлга киритди. Ката баҳсларида эса Набижон Ёрмуҳаммедов, Азиз Сатторов, Муҳаммад Отабобоевдан иборат жамоамиз кучли учликдан жой олди.

Осиё чемпионатининг катталар ўртасидаги кумитэ баҳсларида вазни 67 килограммгача спортчилар баҳсида Муҳаммадзоҳид Иминов финалгача бўлган баҳсларда Сию Лун Юен (Гонгконг), Абдуллоҳ Ал-Утаибий (Кувайт), До Вон Ким (Жанубий Корея) ва Иде Ёшихито (Япония) устидан ғалаба қозонди. Аммо ҳал қилувчи баҳсда у рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Вазни 84 килограммдан оғир спортчилар ўртасида Рустам Ашуров ва хотин-қизлар ўртасида Дилфуза Акбарова (68 кг.) Осиё чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланди.

— Ушбу мусобақада совриндор бўлиш учун катта тайёргарлик кўргандим, — дейди Муҳаммадзоҳид Иминов. — Меҳнатларим бесамар кетмаганидан жуда хурсандман. Спорт билан шуғулланиб ана шундай муваффақиятларга эришишимизда барча шарт-шароитни яратиб бераётган Президентимизга миннатдорлик билдираман.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

Бунёдкорлик

# Мактаб чирой очди

***Жиззах туманидаги 39-умумтаълим мактаби капитал таъмирланиб, келгуси ўқув йилига шай қилиб қўйилди.***

Бунинг учун 191 миллион сўмлик бюджет маблағи сарфланди.

Мактабни капитал таъмирлаш ишларида "Эльбурс" хусусий корхонаси қурувчиларининг меҳнати самарали бўлди. Эндиликда Равот қишлоғининг 380 нафар ўқувчиси замонавий таълим муассасасида ўқиш имкониятига эга бўлди.

Умуман, жорий йилда инвестиция дастури доирасида вилоятдаги 11 умумтаълим мактабининг қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун 2 миллиард 257,9 миллион сўмлик маблағ йўналтирилган бўлиб, айни пайтгача режадаги ишларнинг 93,8 фоизи уддаланди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 7 ИЮЛДАН 13 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2012 йил 28 июндаги 1-сонли буйруғи.*

**2012 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1363-1 (2012 йил 19 июлдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 9 июндаги 17/7-сонли қарори.*

**2012 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-1 (2012 йил 19 июлдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/6-сонли қарори.*

**2012 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-9 (2012 йил 19 июлдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 1363, 2004 йил 21 май) Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 9 июлдаги 144-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ФАН ВА ТЕХНИКА *янгиликлари*

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида кислотага чидамли, металл сиртини ёпувчи қоплама яратилди.***

### Фойдали қоплама

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу янгиликнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Аввало, қоплама танқис ва четдан келтириладиган қимматбаҳо, кимёвий чидамли материаллар (рангли металл, легирланган пўлат, керамик маҳсулотлар) ўрнида қўлланилиши мумкин. Унинг кенг жорий этилиши қурилиш материаллари таннархини камида 15-20 фоизга камайтиради. Яна бир муҳим жиҳати, мазкур қоплама экологик безарардир.

***Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида "Овоз бериш" дастурий таъминоти ишлаб чиқилди.***

### Ёш дастурчиларимиз кашфиёти

Бу кашфиёт муҳокама қилинаётган масаланинг овоз бериш жараёнини тўлиқ автоматлаштириб, унинг ёпиқлигини таъминлайди. Қурилма ахборот хавфсизлиги ва маълумот ишончлилигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Дастурий таъминотнинг яна бир муҳим жиҳати, у маҳаллий мутахассисларимиз томонидан яратилган. Бу янгиликни буюртмачилар талабидан келиб чиқиб, ҳар қандай бизнес жараёнга мослаштириш мумкин. Энг муҳими, у бошқа шундай дастурий таъминотлардан анча арзон.

Олимларимизнинг таъкидлашича, "Овоз бериш" дастурий таъминоти импорт ўрнини босади.

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институтида фотоэлектрик батарея яратилди.***

### Фотоэлектрик батарея

Мазкур қурилма мамлакатимизнинг чекка ва олис ҳудудларида жойлашган хонадонлар ҳамда кўчма тураржой манзилларини электр қуввати билан таъминлашга мўлжалланган. Мутахассисларнинг билдиришича, у 170 Вт қувватга эга бўлиб, кунига бир оила эҳтиёжи учун етарли электр энергияси ишлаб чиқара олади. Яна бир афзал жиҳати, мазкур батареяни юртимизнинг барча ҳудудларида қўллаш мумкин.

Айни пайтга келиб янги қурилмани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимизда фотоэлектрик батарея учун зарур хом ашё мавжуд.

**Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғи Темур Сагдуллаевич Тилляевга опаси **Елена Сагдуллаевна ТИЛЛЯЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**• Реклама ва эълонлар •**

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қорақалпоғистон филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2012 йил 17 август куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ЖИБ судининг ижро варақасига асосан, Амударё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланиб, давлат фойдасига ўтказилган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «ТИКО» русумли, давлат рақами 22 М 7786, двигатель № 577233, кузов № 049405, бошланғич баҳоси — 8 550 000 сўм; Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ЖИБ судининг ижро варақасига асосан, Амударё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланиб, давлат фойдасига ўтказилган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «ТИКО» русумли, давлат рақами 95 О 472 ВА, двигатель № 898557, кузов № 040285, бошланғич баҳоси — 8 550 000 сўм; Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ЖИБ судининг ижро варақасига асосан, Амударё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланиб, давлат фойдасига ўтказилган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «ТИКО» русумли, давлат рақами 22 С 1620, двигатель № 824059, кузов № 033592, бошланғич баҳоси — 8 100 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 3 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хонада ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

**Манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8 361) 222-11-73.**

*Гувоҳнома № 004059.* 1166А/867

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**1.** Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 426 608 382 сўм.***

**2.** Когон шаҳар СИБ томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2011 йил 22 ноябрдаги 20-1105/14319-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Зилола Ўғилой» хусусий корхонасига тегишли, Когон шаҳри, Зебинисо кўчасида жойлашган, майдони 803,9 кв.м.дан иборат бўлган хўжалик моллари омборхонаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 169 851 750 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 9 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.*

*Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 7 август куни соат 18.00.*

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Турон» банки Бухоро филиали «Мустақиллик» минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519,

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават Тел.: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1167R/1441

## ТАШКИЛОТ

*дефект актига асосан, том конструкциялари ва устки том билан шип оралиғи(чердак)нинг ёғоч конструкцияларига ёнғинга қарши воситалар билан ишлов бериш хизмати кўрсатиш бўйича*

**танлов эълон қилади.**

**Мулоқот учун телефонлар: (8-371) 233-05-10, 233-32-18, 233-34-32.**

1163А/844

## Qishloq Qurilish Bank

## ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

***«Kaspersky» ва «Eset Nod32» лицензияли антивирус дастурларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.***

*Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.*

**Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Телефонлар: (8-371) 150-76-85, 150-93-39.**

1157А/864

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Яккасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 22 февралдаги 10-1108/7009-сонли ижро варақаси ва бошқа ҳужжатларга асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Раимқулова кўчасида жойлашган «KINNERTASH» ҚК МЧЖнинг мол-мулклари мажмуа ҳолда (кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, офис дизайн мебеллари, асбоб-ускуналар, компьютер тўпламлари, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар).

***Бошланғич баҳоси — 11 300 698 165 сўм.***

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2011 йил 15 апрелдаги 1-1498/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 420,65 кв.м., яшаш майдони 253,28 кв.м.дан иборат икки қаватли ва бир қаватли хонадон, 13-уй.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

**3.** Чилонзор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 27 мартдаги 2-26/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон кўчаси, 55-уйда жойлашган, умумий майдони 66,23 кв.м., яшаш майдони 42,16 кв.м. бўлган 3 хонали 106-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 77 783 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 17 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 83-уй, 307-хонада бўлиб ўтади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2012 йил 17 август куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда, соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Абу Райҳон Беруний к., 83-уй, 311-хона. Тел.: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.* 1171R/505


## ОБ-ҲАВО (18 июль)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +36 +41 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +19 +24 | +35 +40 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +24 | +34 +39 |
| Тошкент шаҳрида | +20 +22 | +36 +38 |


Халқ сўзи — Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: *Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5